

Didactic possibilities of using innovative technologies in increasing professional competence of future defectologists

Тешабоева Феруза Рахимовна

*Муқимий номидаги Қўқон Давлат педагогика институти
Махсус педагогика кафедраси в.б.доценти (PhD)*

Abstract: This article discusses the experience of the most advanced countries in improving the quality of higher education, active participation in global educational processes, the application of advanced foreign experience in the development of higher education, in particular, SMART technology.

Keywords: higher education, teaching, method, process, quality, teacher, SMART technology, credit-module system.

Ахборотлар даврида кишилик жамияти олий ўқув юрти муассасалари олдида креатив фикрлайдиган, ўзгарувчан вазиятларга тез мослашувчан, салоҳиятли мутахассисларни тайёрлаш каби глобал вазифаларни қўймоқда. Замонавий кўникма ва малакалар оддий касблардан тортиб, юксак салоҳият талаб этадиган фаолият турлари учун ҳам бирдек зарурдир. Замонавий кўникма ва малакаларга қуйидагиларни киритиш мумкин: ижтимоий тармоқларда, турли ахборот муҳитида мулоқот қилиш, яъни ахборот алмашиш, долзарб ва фойдали ахборотларни излаш, топиш, танлаш, вертуал манбалар билан ишлаш, таълим муҳитини ташкил этиш ва зарур пайтда ўзгартиришни талаб этувчи шахсий касбий маълумотлар базаси ҳамда электрон ресурсларни яратиш. Ривожланишнинг турли соҳаларида кенг қўлланилиб келинаётган инновацион ёндашувлардан бири сифатида “SMART” технологиясидан олий таълимда фойдаланиш юзасидан миллий тажрибалар тўпланган. Ушбу технология хусусида мамлакатимиз олими А.А. Абдуқодиров қуйидагиларни айтган: “SMART технологиялар – ўзаро таъсир ва тажриба алмашиш негизида процедураларга узатиладиган, авваллари ахборот ва билимларга асосланган технологиялардир. “SMART”нинг таянч хоссаси атроф-муҳит билан ўзаро таъсир этиш ва унга мослашиш қобилиятидир. Унинг ушбу хусусияти мустақил қийматга эга ва шаҳар, университет, таълим, технология, жамият ва кўпгина бошқа категорияларга қўлланиши мумкин”.

Маълумки, “SMART” атамаси Питер Фердинанд Друкер томонидан 1954 йилда амалиётга киритилган. Кейинчалик Паул Ж Мейер (1965) ва Георге Т. Доран (1981)лар ўзларининг илмий тадқиқот ишларида ушбу технологиянинг имкониятларини таҳлил қилганлар. “SMART” сўзи инглизча сўзларнинг бош харфларидан ҳосил қилинган. Ушбу сўзлар қуйидагилар:

- “Specific” (аниқ, ўзига хос);
- “Measurable” (ўлчовли);
- “Attainable” (эришиладиган);

- “Relevant” (мувофик, ресурс);
- “Time-bound” (вақт бўйича чегаралар, аниқ муддатли).

Россия очик таълим тизимида ҳам “SMART” тизими тамойиллари ва элементларидан кенг фойдаланилади. Ушбу тизимнинг асосий тушунчалари ҳамда концепцияси Россиялик олимлар Н.В.Днепровская, Е.А. Янковская, И.В. Шевцовалар томонидан тизимлаштирилган. Олимларнинг “SMART” тизими моҳияти ва имкониятлари хусусида билдирган фикрлари қуйидаги таърифда умумлаштирилди: “SMART” – бу тизим ёки жараённинг хусусияти бўлиб, атроф - муҳит билан ўзаро муносабатларда ўзини намоён қилади ва тизимга қобилиятини қайта ишлашга, ташқи муҳитдаги ўзгаришларга дарҳол жавоб қайтариш, ўзгарувчан шароитга мослашиш, мустақил тараққиёт ва ўзини ўзи бошқариш, натижаларни самарали бажаришга имкон беради” .

В.П.Тихомиров замонавий таълимнинг жамият такомиллигига таъсирини қуйидагича баҳолайди: “Таълимнинг эски тизим параметрлари кишиларни “SMART” – жамиятда яшаши ва ишлаши учун тайёрлай олмайди. “SMART” – технологияларисиз инновацион фаолият мумкин эмас. Агарда таълим тизими ушбу тараққиёт йўналишдан ортда қолса, у ҳолда тўхтаб қолади” . Олимнинг ушбу фикри олий таълим ўз мақсад ва вазифаларини амалга оширишда аниқлик, вақт назорати, ўлчамли индикаторларга таяниши муҳим омил эканлигини таъкидлайди. Бу каби таърифлар орқали биз “Она тили ўқитиш махсус методикаси” модули мазмунини таҳлил қилиш, берилаётган назарий ва амалий маълумотлар орасида такрорланувчи ҳолатларни аниқлаш ҳамда талабаларнинг вақтини бекор ўтказишнинг олдини олиш муҳим деган хулосани илгари сурдик. Модульни ўқитиш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар сирасига киритган ҳолда биз таълим соҳасидаги “SMART” – технологиялари воситаларини аниқладик: ақлли-проекторлар, ақлли-доскалар, интерактив ва коммуникатив характердаги электрон ўқув материалларини яратишга мўлжалланган дастурлар ва ақлли-ўқув қўлланмалар. Демак, “SMART” таълим тизими жараёни ахборотлаштиришни, ривожлантиришнинг янги йўналиши бўлиб, у таълимни индивидуаллаштиришни, буюртма ва талаб бўйича хизмат кўрсатиш ҳамда очик таълим муҳитини қўллаб - қувватлайди. “SMART” нинг асосий ғояси бу, “...таълим ёхуд ўрганиш ҳар доим, ҳар жойда ва исталган вақтда” лигидир. Айнан шу ғоя Сурдопедагогика таълими йўналишида “Она тили ўқитиш махсус методикаси” модули материалларини ўргатишда, хусусан, мустақил таълим мавзуларининг талабалар томонидан ўзлаштирилишини таъминлашда “SMART” дан фойдаланиш ва унинг тамойилларига риоя этиш тавсияларини ишлаб чиқишда қўлланилди. Модуль мавзуларига оид машғулотлар мақсадларини ва улардан кутилаётган натижаларни белгилашда аниқликнинг устуворлигига эътибор қаратилди. Аниқликка мавзуга оид ахборотлар, аниқ маълумотларни ўрганиш ва тўплаш, қиёслаш орқали эришилади. Бунинг учун эса, таълим дастурларида кўзда тутилган ўқув топшириқларини бажаришда энг долзарб ахборотлардан фойдаланиш тақозо

этилади. Бундан ташқари ушбу технологияга оид ёндашувлардан фойдаланиш талабаларнинг мустақиллигига устуворлик беришни, уларни тадқиқотчилик, лойиҳалаш каби фаолият турларига жалб этишни кўзда тутди. Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида мутахассисларнинг кўп қиррали ҳамда меҳнат бозорида керакли кадр бўлишига эришиш мақсадида кредит-модуль тизими кенг қўлланилиб келинмоқда. Бундан ташқари кредит модуль тизими орқали замонавий мутахассисни тайёрлашда инсон, вақт ва техника ресурсларидан ўринли фойдаланиш, мутахассисда касбий компетенцияларни интенсив шакллантириш каби вазифалар амалга оширилади. Бироқ ушбу жараёни олий таълим мазмунини модернизацияламасдан, мавжуд механизмларни такомиллаштирмасдан ташкил этиб бўлмайди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, кредит - модуль тизими орқали талабаларда ностандарт вазиятларда тезкор ва самарали қарор қабул қилиш, жамоада ишлаш, ахборотлар билан мустақил ишлаш (излаш, топиш, олиш, таҳлил қилиш, самарали фойдаланиш), ўзгарувчан вазиятларга мослашувчанликни таркиб топтиради. Санаб ўтилган сифатларга эга мутахассисни тайёрлаш, давлат ва жамият олдида ўз мавқеини сақлаш ва ўстиришни мақсад деб билган олий таълим муассасалари олдида турган долзарб масалалардан ҳисобланмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. В.Ўринов/“Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларида ECTS Кредит-Модуль Тизими:Асосий тушунчалар ва қоидалар” Тошкент 2020
2. Элов Б.Б. “Смарт технологиялар асосида ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқариш”.Тех. фан. бўй.. PhD дисс.автореф.Тошкент.: ТАТУ, 2018.
3. Кадырова Ф.У., Тешабаева Ф.Р. Значение методического кластера при оптимизации практики высшего и общеобразовательного образования. // Международная научная конференция. Актуальные научные исследования в современном мире.-Украина 2020 -№ 5/(61). С 170-174
4. <http://www.study.uz/>
5. <https://ru.wikipedia.org/wiki>